

А Ж Р И М

2022 йил август ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Бектемир туман суди, Бектемир тумани ИИО ФМБ биносида сайёр очиқ суд мажлисида, туман раиси Э.Шамсутдинованинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Уразимбетованинг котиблигида, Бектемир туман прокурори Т.Хусановнинг иштирокида, Мажбурий ижро бюросининг Бектемир туман бўлими бошлигининг

Хакимов Илёс Исломович, 27.11.1988 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта махсус, оилали, муқаддам судланган, Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Янгиҳаёт кўчаси, 35 уйда доимий рўйхатда туриб истиқомат қилувчига

нисбатан тайинланган жарима жазосини бошқа жазо турига алмаштириш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

И.Хакимов жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 10.12.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 184-моддаси 3-қисми, 189-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга ЖКнинг 59,61-моддаси, 59-моддаси 8-қисмига асосан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш ҳамда 11.500.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукми қонуний кучга киргандан кейин жарима жазосини ижро қилиш учун Мажбурий ижро бюросининг Бектемир туман бўлимига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2022 йил 7 апрелдаги ажримига кўра, маҳкум И.Хакимовнинг ўталмай қолган 3 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 74-моддасига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2022 йил 26 апрелдаги ажримига кўра, тўланмаган 11.500.000 сўм жарима жазосини ундириш 5 ой муддатга кечиктирилган ва 5 ой давомида бўлиб-бўлиб ҳар ойда 2.300.000 сўмдан тўлаб бориши белгиланган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор И.Хакимов белгиланган ихтиёрий муддатда ва ҳозирги кунга қадар белгиланган жарима суммасини тўлашдан бўйин толаб келганлигини.

Мажбурий ижро бюросининг Бектемир туман бўлими бошлиғи судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, ижро ҳаракатлари давомида қарздорнинг номида бўлган пул маблағлари, автотранспорт воситалари



бино ва иншоатлари ҳамда бошқа мол-мулкларини аниқлаш мақсадида тегишли идроаларга сўровнома юборилганлигини, олинган жавобларга кўдра қарздорнинг номида пул маблағлари, автотранспорт воситалари бино ва иншоатлари ҳамда бошқа мол-мулклари мавжуд эмаслиги, бундан ташқари қарздорнинг мулкӣ ахволини ўрганиш мақсадида унинг яшаш манзили кўздан кечирилганда унга тегишли биринчи эҳтиёждан ташқари ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари мавжуд эмаслиги аниқланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44-моддасига асосан маҳкумга суд ҳукми билан тайинланган жарима жазосини бошқа жазо турига ўзгартиришни сўраган.

Маҳкум И.Ҳакимов суд мажлисида тайинланган жарима жазосини тўлашга имкони йўқлигини инобатга олинишини сўраган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44-моддасига кўра “Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир оyi базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади”-деб кўрсатилган.

Суд иш материаллари билан танишиб чиқиб, прокурор фикрини эшитиб, иш ҳолатига баҳо бериб, маҳкум И.Ҳакимов жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўламаганлигини, уни ундирувга қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслигини, мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаганини инобатга олган ҳолда, ундирилиши керак бўлган 11.500.000 сўм жарима жазосини ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштиришни, Бектемир туман ИИО Пробация бўлинмаси томонидан тақдим қилинган 2022 йил 22 августдаги маълумотномага кўра, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари чеклаш жазосига тўлиқ қўшишни лозим топади.



Юқоридагиларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44,46-
моддаси асосан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 539, 541, 542-
моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Тақдимнома қаноатлантирилсин.

Хақимов Илёс Исломовичга нисбатан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Юнусобод туман судининг 10.12.2021 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган 11.500.000 сўм жарима жазоси 2 ой 12 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, ўталмай қолган 2 йил 8 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ундириб боришлик шарти билан 2 йил 10 ой 19 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Ажрим нусхаси Бектемир туман ИИО Пробацяя бўлинмасига ижрони таъминлаш учун, Мажбурий ижро бюросининг Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

Ажримдан норози томонлар 20 суткалик муддат ичида шу туман суди орқали Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки хусусий протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи:

Э.Шамсутдинова

